

Тазкия дарслари (133-дарс). Гапни диққат билан гапирмаслик



16:00 / 24.04.2021 4080

Аллоҳ таолога, эътиқодга, диний таълимотларга тегишли сўз ва гапларни эътиборсизлик қилиб, бузиб гапириш ҳам катта оғатдир. Бунда куфр, ширк ва гуноҳ бўладиган гаплар айтилиб қолиши бор.

يَلَعُهُ لِلَّا يَبْنَلَا إِنَّمَا نَعْلَجُ رَبَّنَا مَنْ بَرَأْنَا
لَاقَفَ بَتْئَشَ وَهُلَلَ إِاَشَ اَمْ لَاقَفَ رَمَلَ لِصْعَبَ يَفْمَلَكَفَ مَلَسَوَ
إِاَشَ اَمْ لُقَ! لَدَعْهُ لِلَّا يَنْتَلَعَ حَأْ: مَلَسَوَهُ لَعُهُ لِلَّا يَبْنَلَا^١
يَأَسَنَلَهُ اَوَرَ .هُدْحَوْهُ لَلَّا

Имом Насоий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуидагилар зикр қилинган:

«Бир одам келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга баъзи нарсаларни гапира бошлади ва: «Аллоҳ ва сиз истасангиз», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен мени Аллоҳга тенг қиляпсанми?! Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи истаса, дегин», дедилар».

Имом Абу Довуд ва имом Насоий Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуидагилар айтилади:

هَتْئَشَ وَهُلَلَ إِاَشَ اَمْ اُولُوقَتَ الْ: مَلَسَوَهُ لَعُهُ لِلَّا لَاقَ
هَتْئَشَ مُثْهُلَلَ إِاَشَ اَمْ اُولُوقَ نَكَلَوَ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ ва сиз истасангиз», деманг, «Аллоҳ, сўнгра сиз истасангиз», денглар», дедилар».

Чунки «ва» сўзи баробарлик маъносини билдиради.

بِيَلْعُولَلِإِلَهٰ وَسَرْدَنْعُولَجَرَبَطَخَ إِلَاقِمَتَأَحْنَبَيَدَعْنَعْ
وَعْدَقَفَأَمْوَصْعَيْنَمَوَدَشَرْدَقَفُولَسَرَوَهَلَاعَطَيْنَمَوَهَلَاقَفَمَلَسَوَ
بِيَطَحْلَسْئَبَفْتُكْسَا: مَلَسَوَبِيَلْعُولَلِإِلَهٰ وَسَرْدَنْعُولَجَرَبَطَخَ إِلَاقِمَتَأَحْنَبَيَدَعْنَعْ
هَلَوسَرَوَهَلَاعَطَيْنَمَا: مَلَسَوَبِيَلْعُولَلِإِلَهٰ وَسَرْدَنْعُولَجَرَبَطَخَ إِلَاقِمَتَأَحْنَبَيَدَعْنَعْ
أَمْوَصْعَيْنَمَوَدَشَرْدَقَفُولَسَرَوَهَلَاعَطَيْنَمَوَهَلَاقَفَ
يَعْفَأَشْلَاوَرْ

Адий ибн Хотим розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида хутба қилиби:

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, тўғри йўлни топибди. Ким икковларига осий бўлса, батаҳқиқ, адашибди», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жим бўл! Қандай ёмон хатиб экансан!» дедилар.

Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, тўғри йўлни топибди. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, батаҳқиқ, адашибди. «Ким икковларига осий бўлса», демагин», дедилар.

Шофеъий ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтади: «Бирингиз ўз ити ила ҳам ширк келтириб қўйиши мумкин. «Агар ўша ит бўлмаса, уйимизни ўғри уриб кетарди», дейди».

هَنَّا مَلَسَوَبِيَلْعُولَلِإِلَهٰ وَسَرْدَنْعُولَجَرَبَطَخَ إِلَاقِمَتَأَحْنَبَيَدَعْنَعْ
هَأَوَرْ . يَمَالْعُوَيْتَاتَفَوَيَاتَمَأَيْذَبَعْمُكُدَحَأَلْقَيْأَلَوْ «إِلَاقِ
يَرَاحْبَلَا:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз «қулим, чўрим», демасин. Лекин «ўғлим, қизим, ғуломим» десин», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Иброҳим Нахаъий айтади: «Қачон бир одам бошқасига: «Эй эшак!», «Эй чўчқа!» деса, қиёмат куни унга: «Сен буни эшак қилиб яратганимни кўрганмидинг?! Сен буни чўчқа қилиб яратганимни кўрганмидинг?!» дейилади.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди